2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

25 (627)

2008 йил 18 июнь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Дўппи тиккан Валентина...
▶ «Қўшни тепа»да ғалла ҳосили мўл бўлди

3 ▶ Ақидапараст аёллар уятга қолди...
▶ Китобхонлар нега кам?

4 ▶ «Роҳати дил»ни ўқиб, дил роҳатланади!
▶ Куёв келинга шарт қўйди: «Газетага обуна бўласиз!»

Аввал хабар қилганимиздек, жойларда «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази томонидан «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлинмалари масъул котиблари, бош ҳисобчилари ҳамда фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

ТИЗИМ ХОДИМЛАРИ УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР

Жумладан, бундай ўқув-семинарлар Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда кун тартибидаги масалаларга мувофиқ, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли китоби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирдаги «Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» номли маърузасининг мазмун-моҳияти, улардан келиб чиқадиган устувор вазифалар хусусида сўз борди.

Тадбирларда «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази томонидан чоп этилган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига дахлдор қўлланмаларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Шунингдек, мазкур тадбирлар давомида фуқаролар йиғинлари ҳузурида тузилган ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини ва тизимда бухгалтерия ишларини такомиллаштиришга қаратилган маърузалар ўқилди.

Ушбу ўқув-семинарларда маҳаллий ҳокимликлар, жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этишмоқда.

МУХБИРИМИЗ

— Яна нима дейсиз?
— Оқсоқолларни ҳам ўқитишаётган эмиш...

Кўркам гузарлар — маҳалла кўрки

СУРАТДА: *Чаманзордаги «Чархпалак» гузари кўриниши.*

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Чаманзор маҳалласи номи қиёфасига монанд масканлардан бири. Маҳалла ободлиги йўлида йиғин мутасаддилари, фаоллар ва маҳалладошлар ҳамжиҳатликда иш юритишади. Яқинда маҳаллада қурилиб битказилган янги гузар Чаманзорнинг чиройини янада очди. Маҳалладошлар гузарни «Чархпалак» деб номладилар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

«Mahalla» хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

САНАМЖОНнинг совғаси

Манғит шаҳридаги Қўшаев Раҳим номидаги хусусий корхона раҳбари Санамжон Нағимова Амударё тумани болаларига атаб ажойиб совға тайёрлади.

У туман ҳокимлигининг қарори асосида шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудидан 9 гектар ер олиб, болалар учун дам олиш маркази ташкил қилди. Бу ерга арғимчоқ ва ҳар хил аттракционлар келтириб ўрнатилди. Айни пайтда марказ жажжи болажонларнинг севимли масканига айланган.

— Катта ва марказий шаҳарларда болалар учун ташкил этилган дам олиш масканларини кўриб, ҳавас қилардим, — дейди Санамжон Нағимова. — Энди манғитлик болалар ҳам барча қулайликларга эга бўлган марказда кўнгилли ҳордиқ чиқариш имкониятига эгалар.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Сурхондарё вилояти

Ёзги таътил давомида талаба ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш ва ижтимоий ҳимоялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, Термиз давлат университети ва бошқа бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан қўшма қарор имзоланиб, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳлари фаолияти ташкил этилди.

«БУНЁДКОР»нинг бунёдкор ёшлари

Ушбу гуруҳларга жалб қилинган ёшлар Термиз шаҳридаги ёш оилалар учун мўлжалланган турар-жой бинолари, Термиз академик лицейи ҳамда Термиз Давлат университетининг янги бинолари қурилишида иштирок этишади.

Бундан ташқари, ёшларни фуқаролар йиғинлари ҳудудида фаолият кўрсатадиган уста-ҳунармандларга бириктириш орқали уларни «уста-шогирд» анъанаси асосида касб-ҳунарга ўрганишга жалб қилиш мақсадида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар амалга оширилянпти.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

ЖАЛАБЕКДА ЯНГИ КОРХОНА

Олтинкўл туманидаги қадимий Жалабек қишлоғида янги корхона ишга туширилди. Малайзиянинг "Фекинтекс" компанияси таъсисчилигида ташкил этилган ушбу корхонада йилига 600 минг дона пайпоқ ишлаб чиқарилади.

Яна бир эътиборли жиҳати, корхонанинг ишга туширилиши 50 нафар маҳаллий хотин-қизларни иш билан таъминлашга имкон яратди.

— Бугунги кунда баъзи қишлоқларда ёшлар учун, айниқса, хотин-қизлар учун янги иш ўринларини яратиш асосий муаммолардан бири эканлиги сир эмас, — дейди корхона ишчиси Муҳайё Холматова. — Дугоналарим билан юртимизнинг турли чеккаларида барпо этилаётган корхоналар ҳақида телевизорда кўриб, газетадан ўқиб, ҳавас қилардик. Эндиликда биз ҳам ана шундай замонавий корхонада фаолият кўрсатяпмиз. Хитойдан келган малакали мутахассислар кўмагида дастгоҳларни компьютер орқали бошқаришни пухта ўзлаштириб олдик.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Болалар спорти

МАЙДОНДА — МАҲАЛЛА ЁШЛАРИ

Республика "Маҳалла" жамғармаси ташаббуси ҳамда ҳамкор ташкилотлар кўмагида маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Футболимиз келажаги" турнири мусобақалари ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишида алоҳида ўрин тутади. Айни кунларда ушбу мусобақанинг туман ва шаҳар босқичлари беллашувлари қизғин паллага кирган.

* * *

Тошкент шаҳри

Пойтахтимизда "Футболимиз келажаги" республика турнири мусобақалари қарийб 36 минг нафар пойтахтлик ёш футболчиларни беллашувларга чорлади. Улар 1780 та жамоага бўлиниб, майдонда ғолиблик учун тўп сурмоқда. Ҳозирда тўртта ёш тоифасида мусобақанинг туман босқичи беллашувлари ниҳоясига етмоқда. Жумладан, Шайхонтоҳур туманида 11-12 ёшли ўсмирлар ўртасида кечган учрашувларда барча рақибларидан устун келган Белтепа маҳалласи жамоаси мусобақанинг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди.

* * *

Хоразм вилояти

"Маҳалла" жамғармасининг Янгибозор тумани бўлинмаси томонидан туман ҳудудида замонавий спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Унинг таркибидаги ўйингоҳда маҳалла ўсмирлари "Футболимиз келажаги" турнирининг кейинги босқичларига ҳозирлик кўрмоқда. Шунингдек, Хонқа туманидаги Сарапоён, Ҳазорасп туманидаги Мухомон, Боғот туманидаги Найман, Урганч туманидаги Қоровул, Хива туманидаги Оқёп, Қўшкўпир туманидаги Ғозовот қишлоқларида ҳам янги ўйингоҳлар бунёд этилди.

— Ўтган йили ушбу мусобақанинг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги беллашувларида воҳамиз ёшлари биринчи ўринга сазовор бўлган эди, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими раиси ўринбосари Баҳодир Бобониёзов. — Ёш футболчиларимиз жорий йилда ҳам ушбу мусобақада юқори ўринларни эгаллаш учун қизғин тайёргарлик кўришди.

Айни кунларда маҳаллалар футбол жамоалари мусобақанинг туман, шаҳар босқичларида тўп сурмоқда. Саралаш баҳсларида ғолиб бўлган жамоалар мусобақанинг Гурлан туманида бўлиб ўтадиган вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

* * *

Андижон вилояти

"Футболимиз келажаги" республика турнирининг 9-10 ёшли болалар ўртасидаги ҳудудий босқич учрашувлари вилоятнинг Булоқбоши, Бўз ва Хонобод туманларида бўлиб ўтди. Туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган жамоалар ўртасида кечган ушбу беллашувлар натижаларига кўра, Асака шаҳридаги Дўстлик, Бўз туманидаги Насриддинбек ҳамда Хонобод шаҳридаги Тейит маҳаллалари ёш футболчилари мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

МУХБИРЛАРИМИЗ

Наманган вилояти

Учқўрғон туманидаги Янгиобод педагогика коллежида белбоғли кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаси ўтказилди. Унда Қўғай, Қайқи, Қўғайўлмас ва Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғинлари болалари ўзаро беллашдилар.

БЕЛБОҒЛИ ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

«Маҳалла» ҳайрия жамғармаси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлинмалари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ бўлими, марказий шифохона, туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақалар жуда қизиқарли ўтди ва ёшларга олам-олам завқ улашди.

Мусобақада 30 кг вазндан 60 кг вазнгача бўлган ўғил-қизлар беллашди. Ғолибларга Фахрий ёрлиқлар ва мусобақа ташкилотчилари ҳамда ҳомийларнинг совғалари топширилди.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

Йил дастури ижроси — амалда!

«Маҳалла» жамғармасининг вилоятдаги 18 та шаҳар ва туман бўлинмалари ҳамда шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида тузиб чиқилган режаларга биноан кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Жумладан, фуқаролар йиғинларида ташкил этилган маънавият хоналарини ёшларнинг севимли масканига айлантириш ташаббусини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Президентимизнинг «Миллий юя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида маънавият хоналарида воизлар гуруҳларининг чиқишлари ташкил этилиши ёшлар учун ўзига хос янгилик бўлди.

Камолотга элтувчи кўприк

Ёшлар йили муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар ана шундай вазифани ўтайди

Яқинда касаба уюшмалари вилоят кенгаши бирлашмаси, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши билан ҳамкорликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказдик. Маҳалла оқсоқоллари ва посбонлари иштирок этган ушбу тадбир маҳалла ҳаёти ва фаолиятига оид баъзи муаммоларни муҳокама қилишда қўл келди. Қолаверса, «Марказий банк»нинг вилоят бошқармаси ва Андижон шаҳридаги фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган анжуманнинг ўтказилиши ҳам ёшлар масаласига янада чуқурроқ ёндашиш имконини яратди.

Ёшларимизнинг ҳар томонлама комил инсонлар бўлиб вояга етиши йўлида иш олиб бораётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг иш самарадорлигини ошириш давр талабидир. Шу боис, вилоятнинг шаҳар ва туманларида ҳафтанинг ҳар шанба кунлари ташкил этилаётган ўқув машғулотларида соғлом турмуш тарзи, соғлом оилани шакллантириш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши курашиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масалалари чуқур ўрганилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳаллий бошқарув органлари ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга, жамоатчилик тадбирларида фаол иштирок этишини таъминлашга эришмоқда. «Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик» шиори остида ўтказилаётган анъанавий кўрик-танловларда ҳам ёшларимиз фаол иштирок этяпти. Жумладан, «Энг намунали хонадон», «Энг намунали кўча», «Энг намунали маҳалла» каби кўрик-танловларни маҳаллаларда уюштириш ва ўтказишда уларнинг ташаббуслари муҳим рол ўйнаяпти.

Ҳозирда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида жойларда маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат бўлимлари, «Камолот» ЁИҲ туман ва шаҳар бўлими кенгашлари ҳамкорлигида ҳудуддаги корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари ва хусусий фирмалар билан алоқалар ўрнатилиб, бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этиляпти.

Иззатилло ХЎЖАЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси вазифасини бажарувчи.

Диққат, кўрик-танлов!

Бугунги кунда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, "Ёшлар йили" Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари кўмакка муҳтож ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай оилаларда осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш, ёш оилалар фарзандларининг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига шароит яратиб беришда ўз ҳиссасини қўшиб келяпти.

Шу боис, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда фаоллик кўрсатаётган энг намунали маҳаллаларни аниқлаш ва уларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда "Аёллар кенгаши" нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамкорлигида «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» республика кўрик-танлови эълон қилинмоқда.

Ушбу кўрик-танлов низоми билан 2-саҳифада *танишасиз.*

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йилнинг қолган даври учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Ифтихор

Мустақил Ватанимизнинг эртаси обод ва фаровон бўлиши, жамиятимизнинг янада равнақ топиши кўп жиҳатдан улғайиб келаётган ёшларнинг салоҳиятига боғлиқ, албатта. Шу боисдан мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол, жаҳон андозалари даражасидаги билим ва кўникмага эга бўлган, ватанпарвар аждодлар анъаналари ва миллий истиқлол ғояларига садоқатли авлодни камолга етказиш масаласига катта эътибор қаратилаётгани айниқса, биз ёшлар учун жуда қувончлидир.

ҚАЛБИМИЗГА ЖО БЎЛГАН ЎГИТ

Фуқаролик жамиятига хос жиҳатлардан бири фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий онги юқори даражада шаклланганги ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий ривожланган жамиятда ҳуқуқий меъёрлар эмас, балки айнан ҳуқуқий онг ижтимоий жиҳатдан тўғри хулқ-атворни белгилаши ҳам тараққий этган мамлакатлар мисолида яққол кўринади. Шунинг учун ижтимоий мажбуриятларни ихтиёрий ва онгли равишда бажариш, демократияни янада ривожлантириш, ижтимоий интизомни мустаҳкамлаш шахсни етук тарбиялашнинг муҳим шартидир. Ва бу борада энг асосий эътибор ёш авлоднинг тўғри ва комил шахслар сифатида тарбияланишига қаратилиши муҳим ва самаралидир. Шу маънода, жамият олдидаги бурч ва масъулиятни, шунингдек, ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб етиш ёшларнинг комиллик сари қўйган муҳим қадами, десак, муболаға бўлмайди.

Юксак ҳуқуқий маданиятга эришиш баробарида нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамият ҳаётида юз бераётган ижтимоий, маданий, сиёсий жараёнлар соғломлашади. Бундай жамият тараққиётида барқарорлик, фуқароларнинг бирдамлиги таъминланади.

Ҳозирда мамлакатимиз аҳолисининг қарийиб 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Биз ёшлар учун билим олиш, касб-ҳунар ўрганиш, ўқиб-изланиш учун барча шароитлар яратилган. Шунинг самараси ўлароқ, бугунги кун ёшлари руҳиятида Ватанга меҳр-садоқат, ифтихор ҳисси яққол сезилади, уларнинг аксарияти юксак орзу-умидлар, эзгу мақсадлар сари интилиш борасида тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар. Бу борада юртбошимизнинг қуйидаги фикрлари ўгит сифатида ҳар бир ёшнинг қалбига жо бўлган, ҳаётдаги дастуруламалига айланган, деб ўйлайман: «...Ёшларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш, уларнинг «Мен ўзбек фарзандиман!» деб, ғурур ва ифтихор билан яшашига эришиш асосий мақсадларимиздан биридир. Токи, бугунги кун ёшлари миллий илдизлари бақувват, дунёни чуқур англайдиган, замон тараққиёти билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин».

Махсуда ТОЖИБОЕВА,
Тошкент Ислом университети 3-курс талабаси.

Ёз — ўтаги соз!

Ёз фасли болажонлар учун табиат қўйнида мириқиб дам олишнинг айни мавсумидир. Шу боис ҳар йили республикамизнинг хушманзара гўшаларида жойлашган болалар дам олиш оромгоҳларида ҳаёт қайнайди.

ТАЪТИЛДАГИ БОЛАЛАР

улар ёз мавсумида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш имкониятига эга бўладилар

Жорий йил ёзги таътил мавсумида вилоят миқёсида 11 та шаҳар ташқарисидаги ҳамда 69 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва кундузги мактаболди оромгоҳлари фаолият кўрсатиши белгиланган. Айни кунларда ушбу оромгоҳларга ташриф буюраётган болажонларни кўнгилдагидек кутиб олиш, таътилни мароқли ўтказишлари учун шарт-шароит яратиб бериш мақсадида олиб борилган кенг кўламли тайёргарлик ишлари якунига етди.

Жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани сабабли ушбу мавсумда болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш ва кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришини таъминлаш ишларига жиддий эътибор қаратиляпти. Қолаверса, ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Тарбиячи ва тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этилиб, улар зарур тавсия ва йўриқномалар билан таъминланди.

Шунингдек, 2008 йил ёзги мавсумда болаларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида «Камолот» ЁИҲ вилоят, туман (шаҳар) бўлими кенгашлари томонидан ҳам ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда махсус чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилган. Ушбу режа асосида «Менинг севимли машғулотим», «Истеъдод ғунчалари», «Шу азиз Ватан барчамизники», «Ўйла, изла, топ», «Дўст билан обод уйинг», «Ким чаққон?», «Табиат қўйнига саёҳат», «Китоблар — яхшиликка етаклар», «Қариялар дуосини олайлик», «Алпомиш ва Барчиной издошлари», «Ёшлар ОИТС ва гиёҳвандликка қарши» мавзуларида ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Сурхондарё вилояти

Ўз навбатида дам олиш масканларида вилоят ва туман «Камалак» болалар ташкилоти ва Сардорлар Кенгашининг фаолиятини йўлга қўйиш, болаларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришини ташкил қилиш ва уларни қизиқишига қараб турли тўгаракларга жалб этиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Албатта, мавсум давомида таътилни уйда ўтказаётган болалар ҳам эътибордан четда қолишмайди. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Камалак» ва «Камолот» бўлайлик сенга қанот» мавзусида кўчма акция дастури ишлаб чиқилиб, жойларда ўтказилиши режалаштирилган.

Дилмурод ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими Кенгаши раисининг муовини.

Тошкент шаҳри **Тошкент вилояти**

Маълумки, ёзги таътилни хушманзара ва баҳаво оромгоҳларда ўтказиб чиққан болалар навбатдаги ўқув йилида билим олишга чандон иштиёқу шижоат билан тайёр туриши аниқ. Шу сабабдан ёзги таътил давомида оромгоҳлар бу ерга келувчи болажонларни қабул қилиш учун ҳар томонлама шай ҳолатга келтирилади.

"ГУЛЗОР" — болаларга интизор

Яна бир эътиборли жиҳати, эндиликда шаҳарларнинг хушҳаво ҳудудида жойлашган мактабларда ҳам оромгоҳлар ташкил этилмоқдаки, натижада шаҳар ташқарисида жойлашган оромгоҳларга турли сабабларга кўра боролмаган болалар ёзги таътилни ушбу масканларда мазмунли ўтказиш имкониятига эга бўляптилар.

Яқинда пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 112-мактабда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси ва «Юлдуз» маданият уйи ҳомийлигида «Гулзор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди. Бу ерда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 150 нафар боланинг дам олиши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

— Кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси томонидан оромгоҳга бепул йўлланма берилди,— дейди оромгоҳ бош етакчиси Малика Тошева. — Болалар ётоқ-жой ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Шунингдек, улар бу ерда мароқли дам олиш билан бирга турли қизиқарли машғулотлар билан ҳам банд бўлишади. Оромгоҳимизда дам олувчиларнинг асосий қисмини Олтинтепа ва Авайхон номли маҳаллалар болалари ҳамда 209, 222, 275-мактаб ўқувчилари ташкил этади.

Оромгоҳда меҳнат ва тасвирий санъат тўгараклари ҳам ташкил этилган. Бундан ташқари, ўқувчиларга шахсий гигиена тартиблари, йўл ҳаракати қоидалари ҳам ўргатилади. Болалар ўртасида «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига», «Экосан — бу мен ва сен», «Гиёҳвандликка қарши нафрат» шиорлари остида тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилади. Масканда болалар саёҳатларга чиқиб, аждодларимизнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўладилар.

Муҳайё БОЙМУРОДОВА



Янгийўл туманидаги 10-мактаб қошида ташкил этилган «Радуга» болалар соғломлаштириш оромгоҳида бир вақтнинг ўзида 68 нафар бола дам олиб, ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказиши мумкин. Оромгоҳда болалар учун турли тўгараклар ташкил этилган. Тарбиячи Юлия Каракулина эса қизиқарли тадбирларни ўтказишга бош-қош.

СУРАТЛАРДА: *оромгоҳ ҳаётидан лавҳалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Сурхондарё вилояти

ОМБОРЛАР ДОНГА ТЎЛМОҚДА

Ангор тумани ғаллакорлари бу йил 6406 гектар ерда буғдойнинг «Крошка», «Половчанка» ва «Чиллаки» навларини парваришладилар. Ҳосилни йиғиб олиш 374 та фермер хўжалигида 25 та комбайн ёрдамида амалга оширилмоқда. Айни пайтда ғалла ўрими авжида.

СУРАТДА: *«Қўшни тепа» фермер хўжалиги бошлиғи Гулмурод Аҳматов 32 гектар ғалладан 66 центнердан ҳосил олди.*

И.ХЎЖАЕВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

Мўъжизакор ҳунармандлар юрти **Наманган вилояти**

Чуст дўпписининг сири

Чуст дўпписининг довруғи бутун дунёга таралган. Дарҳақиқат, туман марказида дўппига ажойиб рамзий ёдгорлик ўрнатилганининг боиси ҳам ана шундан. Чустлик қиз-жувонлар дўппининг ҳар қатим ипагига кўз нури, қалб қўри, меҳр тафтини қўшиб тикишади. Албатта, бундай бежирим ва чиройли дўппиларнинг бозори ҳам чаққон. Уни сотиб олиш учун харидорлар Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё ва бошқа вилоятлардан келишади.

Наврўз маҳалласи фуқаролар йиғинида яшовчи Бахринисо Шарипова қўлигул дўппидўзлардан. У 51 йилдан буён шу ҳунар билан шуғулланади. Бахринисо опа тиккан дўппиларни нафақат юртимизда, балки Америка, Саудия Арабистони, Корея Республикаси, Туркия сингари хорижий мамлакатларда яшовчи ватандошларимиз ҳам асраб-авайлаб кийишмоқда.

— Дўппи тикишни етти ёшимдан бошлаганман. Ҳозирда унинг 23 нусхасини бемалол тика оламан, — дейди Бахринисо опа. — Ўтган давр мобайнида дўппининг болалар учун «Бинафша», «Ҳумо», катталар учун «Ситора» сингари нусхаларини яратдим.

Энг нозикдид мижозлар киядиган «Сатин» дўппини Чустда саноқли аёлларгина тикишади. Тикилиш услуби мураккаб, узоқ вақт талаб этадиган бу нусха айни пайтда бозорда 140-150 минг сўм атрофида баҳоланади. Бахринисо опа «Сатин» дўппи тикиш сирларини ёшларга ўргатяпти. Айни пайтгача 300 нафарга яқин шогирд тайёрлаган опахон бундай хайрли ишни ҳали кўп йиллар давом эттирмоқчи.

Валентина Петрова 40 йил илгари Россиядан туманнинг Пансада маҳалласига келин бўлиб тушган эди. Тез орада дўппи тикишни ўрганиб олган Валентина дўппининг янги «Рус нусха»сини яратди. Унинг етти нафар қизи ҳам чеварликда онасидан асло қолишмайди.

Айтишларича, дўппидаги оқ-қора ранг кун ва тун, тўрт гул йил фасллари, тўрт қирра дунё тарафлари, пастки қисмидаги айлана шаклидаги гуллар эса йил тақсимланиши — ўн икки ойни билдирар экан. Гулларнинг қалампирсимон шаклда бўлиши эса инсонни ёмон кунлардан, турли балоқазолардан сақлайди, деб ишониш сабаблидир.

— Туманимизда яхши одат бор. Маҳалла аёллари бир ҳовлига йиғилиб, гурунглашиб дўппи тикишади, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси раиси А.Баҳодиров. — Бу бизга касаначиликни йўлга қўйишда қўл келди. Хотин-қизларимиз ўз меҳнати орқасидан даромад топиб, оилаларининг турмуш шароитини яхшилашга ҳисса қўшмоқдалар.

Моҳир дўппидўзлар кимга қандай дўппи ярашишини ҳам яхши билишади. Уларнинг айтишича, юмалоқ юзли кишиларга катта гулли, чўзинчоқ юзли кишиларга эса нозик гулли дўппилар ярашар экан.

Мирзадавлат ЮНУСОВ

Диққат, кўрик-танлов!

«ЁШ ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИГАН ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

Ёшлар йилида ёш оилаларни ижтимоий ва моддий муҳофаза қилиш борасида жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий чора-тадбирларнинг фуқаролар йиғинлари томонидан ҳаётга татбиқ этилиши амалиётини ўрганиш, оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш даражасини аниқлаш ва ошириш.

Ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, кам таъминланган оилаларга давлат мададини манзилли етказишда фаоллик кўрсатаётган энг намунали маҳаллани аниқлаш ва унинг тажрибасини оммалаштириш, маҳаллаларда амалга оширилаётган бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш.

Ҳар бир ёш оиланинг моддий фаровонлигини юксалтириш, уй шароитларини яхшилаш, соғлом, билимдон, баркамол авлодни вояга етказиш, тарбиялаши учун шароитларни янада яхшилаш.

II. Кўрик-танлов шартлари

1. Кўрик-танлов 2008 йил — Ёшлар йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллалари ўртасида ташкил этилади.

2. Кўрик-танловда иштирок этиш учун фуқаролар йиғини кенгашлари фаолият йўналишлари бўйича қуйидаги маълумотларга эга бўлиши лозим:

— ёш оилаларнинг яшаш тарзи, шарт-шароитларини яхшилаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар;

— маҳаллада ёш оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёш оилалар сони, шундан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга 2005-2008 йилларда кўрсатилган моддий ёрдам ("Оила" паспорти ҳақида маълумотлар банкининг яратилганлиги);

— маҳалла ҳудудида ташкил этилган янги иш ўринлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига ёш оилаларнинг жалб этилганлиги;

— ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиши учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамол сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларнинг яратилганлиги;

— ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиши ёки қуриши, уй хўжалигини йўлга қўйишида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари;

— кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан, никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказиш тадбирлари;

— маҳалланинг моддий ва молиявий базасини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш ишларининг йўлга қўйилганлиги ҳақида маълумот;

— олий таълим муассасаларида шартнома асосида таълим олаётган ногирон талаба-ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида шартнома маблағларини тўлашда кўрсатилган ҳомийлик ёрдамлари;

— муҳтож ёш оилаларнинг коммунал тўловлар қарздорлигини камайтириш бўйича олиб борилган амалий ишлар ҳақида маълумот;

— маҳалланинг ўз ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўз ҳудудидаги фуқаролар, хусусан, ўзига тўқ бўлган оилалар, тадбиркорлар ва бошқа саховатпеша инсонлардан ёрдамга муҳтож ёш ногирон оилаларга турли хилдаги моддий, маънавий ёрдам кўрсатишнинг ташкилий ишлари ва амалиётининг натижалари ҳақида маълумот;

— «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган «Фуқаролар йиғини ҳудудида ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш бўйича услубий қўлланма»дан фойдаланиб, фуқаролар йиғини кенгаши тасарруфида ташкил этилган «Ҳомийлар кенгаши» фаолияти ҳақида батафсил маълумот.

III. Кўрик-танлов таъсисчилари ва ташкилотчилари

Кўрик-танлов Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Аёллар кенгаши" нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич. 2008 йил июнь ойида маҳаллалараро туман ва шаҳарларда тегишли комиссиялар томонидан ўтказилиб, бунда ҳар бир туман, шаҳардан биттадан энг намунали маҳалла саралаб олинади. Улар кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларига тақдим этилади.

Иккинчи босқич. 2008 йил июль ойида ўтказилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари туман ва шаҳарларда биринчи ўринни эгаллаган фуқаролар йиғинлари фаолиятини яна бир бор батафсил ўрганиб чиқади ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб намунали маҳаллаларни аниқлайди. Биринчи ўринни эгаллаган маҳалла республика комиссиясида кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Учинчи босқич. Кўрик-танловнинг республика босқичи 2008 йил август ойида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни арафасида ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида биринчи ўринга сазовор бўлган маҳаллаларнинг эришган ютуқлари республика комиссияси томонидан яна бир бор ўрганиб чиқилади ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга лойиқ номзодлар аниқланади.

V. Кўрик-танлов якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Кўрик-танловда қатнашган маҳалла фуқаролар йиғини кўрик-танлов шартларига биноан, ушбу Низомнинг II бандида кўрсатилган маълумотларни, керакли иловалар (фотоальбом, стенд, диаграмма ва бошқалар) билан бирга фуқаролар йиғини кенгаши қарори билан тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этади.

Тақдим этилган ҳужжатлар маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши раиси томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман (шаҳар) комиссиялари ғолиб деб топилган маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳужжатларини «Маҳалла» жамғармасининг туман (шаҳар) бўлинмаси бошқаруви раёсат қарори билан кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссияларига тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маҳалла фуқаролар йиғини ҳужжатларини, бўлим бошқаруви раёсати қарори билан барча бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда, республика кўрик-танлов комиссиясига киритади.

Республика кўрик-танлов комиссияси томонидан аниқланган ғолибларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Аёллар кенгаши" нодавлат нотижорат ташкилоти қўшма йиғилиши тасдиғига киритилади.

Ғолиблар кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ташкилотларнинг нашрларида эълон қилинади.

VI. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

Кўрик-танловнинг Республика босқичи ғолиблари Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви, "Экосан" халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Аёллар кенгаши" нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан I, II, III даражали Диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида I, II, III ўринни эгаллаган маҳалла фуқаролар йиғинлари танловни ўтказишда масъул бўлган ташкилотлар томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан рағбатлантирилади.

Мулоҳаза минбари

Абдурахмон Жомий бундан олти аср илгари китоб ҳақида шундай мисралар битган эди:
Ичи ғунча каби варақ-варақдир,
Қимматда ҳар варақ табақ-табақдир.

КИТОБхонга мушток КИТОБлар

замонавий техник ва тезкор воситалар уларнинг ўрнини боса оладими?

Замондошларимизнинг қимматда ҳар вароғи тиллога тенг бўлган китобларни ўқимай қўйгани ҳақида кейинги пайтларда бот-бот ташвишли фикрлар билдирилянти. Тан олиш жоизки, бу фикрлар ўринли. Лекин яна шуни ҳам айтиб ўтиш керак: китоб шайдолари ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Фақат оммавий китобхонлик нисбатан сусайгани, айни ҳақиқат. Чунки биз фан-техника тараққий этган асрда яшаяпмиз, маънавий эҳтиёжларимизни қондириш учун замонавий ва тезкор воситалар бисёр. Шу боис, ёшларимизни китобдан кўра телевизор, компьютер, DVD, видео, интернет кўпроқ қизиқтираётган бўлса, ажаб эмас. Аслида замон талаби ҳам шу. Ёшларимиз илғор фан-техника ютуқларидан бохабар бўлгани яхши. Бироқ бундай воситалар китоб берадиган маънавий озуқани бериб, инсонни чинакам гўзалликни тушунишга, ҳис этишга ўргата оладими? Оддийгина мисол, бадиий асар билан шу асар асосида олинган бадиий фильмни қиёслаб кўринг-а. Фильм қанчалик маҳорат билан ишланмасин китоб берадиган маънавий озуқани беролмайди, кинотомошабин китобхончалик таъсирланмайди. Чунки китобда инсоннинг руҳий ҳолати, кайфияти, оний кечинмалари экран орқали тасвирдагидан кўра тўлароқ намоён бўлади, ўқувчини мушоҳада юритишга, ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисани қалб кўзи орқали кўришга, ҳис этишга ундайди.

...Дадам китобларни, айниқса, ўзбек халқ достонлари ва чет эл адабиёти намуналарини хуш кўриб ўқирди. Болалик чоғимда дадамнинг расмсиз, нуқул майда-майда ҳарфлар босилган саҳифаларга мук тушганча, ҳамма нарсани унутиб, китоб ўқиши менга ғалати туюларди. Нима ёзилган экан-ки, бунчалар берилиб ўқимасалар, дея ҳайрон бўлардим, қизиқишим ортарди. Баъзан мен ва опа-сингилларимнинг китобга меҳр қўйишимизга ана шу қизиқиш, дадам кўрсатган ибрат сабаб бўлмаганмикан, деб ўйлаб қоламан...

Ота-оналарнинг фарзандига қимматбаҳо совға ҳадя қилганига кўп гувоҳ бўлганмиз. Туғилган кун ёки бирон байрамда бировга китоб совға қилиш эса бугунги кунда жуда камчил ҳодисага айланиб қолган.

Айримлар бугун китоблар ўз ўрнини «сариқ матбуот»га бўшатиб берди, дея фикр билдирмоқда. Тўғри, бундай газеталар саҳифаларида босилаётган ўткир сюжетли олди-қочди воқеалар тафсилоти кўпчиликнинг диққат эътиборида. Муштарийлари асосан уй бекалари бўлган бундай газеталарга ёшларнинг ҳам қизиқиши баланд. Ишдан қайтаётиб, газета дўкони олдида 8-синфда ўқийдиган қўшни қизга кўзим тушиб қолди. У кўнгилочар газеталардан икки-учтасини бирваракайига сотиб олди.

— Бунча газетани ўзинг учун оляпсанми ёки онанг учун? — сўрадим ундан.

— Ойим, мен ва синглим шу газеталарни қизиқиб ўқиймиз. Бизда уларнинг бир неча йиллик сонлари бор, — деди у ва шу сонларда жуда зўр давомли ҳикоя босилаётгани ҳақида гапира кетди. Унинг гапларини тинглар эканман, қўшни қиздаги қизиқиш ва ҳавас чинакам адабиётга нисбатан бўлса, қанийди, деган ўй ўтди хаёлимдан.

Ёшларда китобга қизиқиш уйғотишда мактабда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни, шубҳасиз, катта. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 169-мактабда ўттиз йилдан буён ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаётган Гулжамила Аъзамхўжаева ёшларнинг китобхонлиги хусусида сўз кетганда ўқувчиларнинг саъй-ҳаракати билан ҳар бир синф ўз кутубхонасини ташкил этгани, бундан ташқари, ҳар дарсда ўқувчилардан бири ўзи ўқиган янги китобнинг мазмуни билан синфдошларини таништириши ҳақида гапирди. Устоз ҳар чорак якунида энг кўп китоб ўқиган ўқувчини тақдирлаб, рағбатлантириб борар экан.

Айримлар китобга эътиборнинг сусайганини яхши асарларнинг ёзилмаётгани билан изоҳлашга уринади. Бу фикр ҳам қисман тўғри, менимча. Лекин яхши китоб ўқийман, деган одамга минг йиллар давомида яратилган инсоният тафаккурининг маҳсули бўлмиш китоблар доимо мушток. Қолаверса, яхши асарлар яратилмоқда, мумтоз ва ҳозирги замон чет эл адабиёти намуналари ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этилмоқда. Бугун болалар учун ҳам турли мавзулардаги китоблар нашр этиляпти. Ҳамма гап мурғак қалбда китобга меҳр уйғота олишда. Балки бунинг учун биз катталар ибрат кўрсатишимиз, туртки беришимиз лозимдир?

Китобхонлик мавзусига қайта-қайта мурожаат этилган бўлса-да, у ҳамон долзарб. Зеро, Стефан Цвейг таъкидлаганидек, «Қаердаки китоб бор экан, у ерда одам ўзи билан ўзи узлатда, ўз кўлами доирасида қолиб кетмайди, у ўтмиш ва бугунги куннинг барча оламшумул ютуқларига, бутун инсониятнинг фикр ва туйғуларига ошно бўлади».

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Тошкент шаҳри

Етуклик палласидаги ёшлар

Фуқаролик паспортини олиш ҳар бир ёшнинг ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши аниқ. Чунки улар мамлакатнинг тўлақонли фуқароларига айланишади. Пойтахтимизнинг Сергели туманида яшовчи 12 нафар йигит-қизга фуқаролик паспортлари тантанали равишда топширилди. Сергели тумани ички ишлар бошқармаси хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, майор Дилором Жалимова ёшлар ушбу ҳуқуқий ҳужжат билан бирга мамлакатимиз қонунчилигида белгилаб қўйилган барча ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлган ҳолда фуқаролик мажбуриятларини ҳам ўз зиммаларига олганликларини таъкидлади.

СУРАТДА: *ёшларга фуқаролик паспортини топшириш маросимидан лавҳа.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Хаётдан олмасак сабоқ...

Хоразм вилояти

БИР БОЛАГА ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА

бу мақолга амал қилиб иш тутмасак, фарзандларимиз камолотида кемтикликлар юзага келаверади

Фарзанд тарбияси ўта нозик ва масъулиятли вазифа. Бу борада халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб, сайқалланиб келган тажрибасидан фойдалансак, янада кўпроқ самарага эришиш мумкинлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Ота-боболаримиз нафақат қавму қариндошларнинг, балки қўни-қўшниларнинг фарзандларини ҳам ўз жигаргўшасидек қадрлаган. Оилада гўдак дунёга келса, бундан бутун маҳалла аҳли қувонган ва унинг тарбиясида, яхши инсон бўлиб вояга етишида ўзларини масъул деб билган. Бир болага етти қўшни ота-она, деган мақолнинг келиб чиқишига ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Вилоятимиз ёшлари орасида «Зулфия» номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, вилоят, республика ҳамда халқаро миқёсда ўтказилган турли танлов ва мусобақалар ғолиблари, билими, иқтидори билан эл назарига тушган йигит-қизлар кўп. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмаганидек, улар орасида ҳам тарбияси оғир, ноқобил ёшлар, афсуски, учраб турибди. Урганч Олимпия заҳиралари коллежи талабаси Шарипов Бобур фуқаро Т.Ёқубовага тегишли уяли телефон аппаратини, Қўшкўпир тумани А.Жуманиёзов деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи вояга етмаган Ҳамдам Рўзиматов эса Хива шаҳри Р.Назарий номидаги кўча 14-уйда яшовчи М.Отабоеванинг хонадонидан телевизор ва уч дона гиламни ўғирлагани аниқланиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди. Албатта, бу каби мисоллар барчамизни ҳушёрликка, бефарқ бўлмасликка чақиради.

Ёшлар билиб-билмай жиноятга қўл урса, уларни кечириш, тўғри йўлга солиш мумкин. Бироқ ота-она кўра-била туриб ўз фарзандини жиноятга бошласа-чи? Ҳазорасп туманида яшовчи Тоҳир Ҳожиев гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланганини етмагандай, ўзининг нопок ишларига ўғли Ҳусан ва невараси Алишерни ҳам тортди. Номард ота бу қилмиши билан оила шаънига, фарзандлари номига доғ туширди.

Сир эмас, болаларни ҳаддан зиёд эркалатиб юбориш ҳам уларнинг тарбиясига салбий таъсир этади. Буни ўзича тушуниб, эркалатса онаси, талтаяди боласи қабилида иш тутган эркатой фарзандлар эса кўнглига келган ишни қилиб, кўплаб нохуш вазиятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлишади. Мисол учун, Гурлан туманидаги 19-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Беҳзод Ҳайитбоев «Нексия» русумли автоуловни бошқариб бораётиб, йўловчи Г.Рўзиматовани уриб юборди. Оқибатда жабрланувчининг соғлиғига жиддий зарар етди. Хива шаҳри Паҳлавон Маҳмуд номидаги кўча 37-уйда истиқомат қилувчи вояга етмаган Исломбек Маткаримов эса автомашина бошқариб, бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг ёзги таътил мавсумини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш масалаларига бағишланди. Йиғилишда вилоят халқ таълими бошқармаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вилоят маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида маҳаллаларда қатор тадбирлар ўтказилиши белгилаб олинди.

Роза БАХТИЁРОВА,
«Маҳалла» жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими бош мутахассиси.

Олам турфа

«ДАРОЗ» ВЕЛОСИПЕД

Украиналик муҳандис Владимир Хахиль дунёнинг энг баланд бўйли кишиси — Леонид Стаднюк учун махсус велосипед ясади.

Эндиликда Житомир вилоятининг Подоляница қишлоғида истиқомат қилувчи 37 ёшли Леонид-нинг «Шевроле» русумли автомашинаси ёнидан икки ғилдиракли махсус велосипед ҳам жой олди.

Бўйи 2 метру 55 см, оғирлиги 220 кг бўлган Леонидга мослаштириб велосипед ясаш осон кечмади. Бунинг учун Хахиль велосипедни қўшимча пўлат мосламалар билан қотиришига, баъзи қисмларини эса авиацион технологиялар ёрдамида улашига тўғри келди.

СЁРФИНГ ҲУЧУН СУНЪИЙ ТЎЛҚИН

Лондон шаҳрида сёрфинг (сув спорти тури)ни ривожлантириш мақсадида 2011 йилда махсус машина ёрдамида Темза дарёсида икки метрлик сунъий тўлқинни юзага келтириш режалаштирилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг қиймати 20 миллион фунт-стерлинг атрофида бўлиши кутилмоқда. Айни пайтда ушбу лойиҳани режалаштириш учун рухсат берилди, қурилиш ишлари ҳам жорий йилда бошланади. Сёрфинг билан шуғулланувчилар мириқиб дам олиши учун пальмалар ва ёғочдан ясалган йўлакчаларга эга бўлган пальмали сунъий чўмилиш ҳавзасини барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

Маҳалла минг йиллар давомида буюк даҳолар томонидан эътироф этилган, шарқона демократиянинг асосий тамойилларига ва жамоа фикрига асосланган, ўзбек халқининг анъанавий урф-одатларини, миллий давлат бошқаруви маданиятини ўзида акс эттирган ижтимоий тузилма сифатида мавжуд бўлиб келган. Бугунга келиб ушбу тузилма юртимизда демократия институти сифатида тан олинди. Миллий, маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг эзгу удум ва анъаналарини оммалаштириш ҳамда юртимизда маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйишда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс.

ҲАМ ГУЗАР, БОЗОР

маҳалла гузарлари ҳам маърифат ва дам олиш маскани, ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиладиган жой вазифасини ўтайди

Фуқаролар йиғинлари ҳудудида аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароит яратиб бериш масаласи ҳам йиғин мутасаддилари томонидан кўнгилдагидек ҳал этилаётгани эътиборга моликдир. Аҳолининг, айниқса, кексаларнинг дам олишини ташкил қилишда қадимдан мавжуд бўлиб келган анъаналарга таянилиб, маҳалла гузари ва чойхоналар барпо этилаётир. Маълумки, гузарлар халқимиз учун ҳам маърифат ўчоғи, дам олиш маскани, ҳам тадбиркорлик билан шуғулланиладиган жой сифатида ўз ўрнига эга бўлган. Қолаверса, ҳозирги кунда маҳалла гузарларида турли қизиқарли адабиётлар, газета ва журналлар тўпламларига бой маърифат бурчаклари ташкил этиляпти. Шунингдек, бу масканларда шахмат-шашка ўйинлари, маърифий тадбирлар ва турли томошалар ҳам уюштириб турилиши маҳалла аҳлининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг аҳолининг ҳордиқ чиқаришини самарали ташкил этишда бош-қош бўлиб келаётгани йиғин аёллари учун ҳам бу борада қулайликлар яратиб берилаётганидан далолатдир. Аёл аввало, тарбиячи, унинг болалар тарбиясига масъулиятсиз қарамаслигини таъминлашда мазкур комиссияларнинг ўрни бор. Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг рўзғор ишларидан бўш вақтларида ҳордиқ чиқариши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш биринчи навбатда уларнинг тарбиячилик ролини оширишга хизмат қилади.

Мана, ёз фасли келиб, болажонларимиз таътилга чиқишди. Уларнинг ёзги таътилда мароқли ҳордиқ чиқариб, мавсумни мазмунли ўтказишида фуқаролар йиғинлари мутасаддиларига катта масъулият юкланади. Шу боис, таътилни уйида ўтказаётган болаларнинг дам олишини ташкил этишда маҳалла оқсоқоллари турли жамоат ташкилотлари, мактаб ва ўрта-махсус ўқув юртлари, ота-оналар билан ҳамкорлик ўрнатишган.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан шу номда Давлат дастури ишлаб чиқилди ва у ҳаётга изчил равишда татбиқ этиляпти. Болалар ва ўсмирларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун ушбу дастурга мувофиқ турли тадбирлар, суҳбат ва мулоқотлар ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилиши ўз самарасини бермоқда.

Моҳиржон ТУРОПОВ

ТУЗАТИШ:
Газетамизнинг 2008 йил 11 июнь сонида чоп этилган «Маҳалладан бошланур Ватан» республика фото кўрик-танлови Низоми» матнида берилган Тошкент Фотосуратлар уйининг телефон рақами 233-51-68 деб тузатиб ўқилсин.

ТАҲРИРИЯТ

ҲУКМ ЎҚИЛДИ, АММО МУЛОҲАЗАГА ЎРИН БОР

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар судининг мазкур жиноий иш бўйича ҳукми билан танишгач, кишида савол туғилади. Наҳотки, бу аёллар ҳамма билган оддий ҳақиқатларни билмайди ёки англамайди: қонун ҳамма учун баробар, жиноят жазосиз қолмайди! Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний тузумини ўзгартиришга, яъни уни давлат, халқ хоҳишига зид равишда бошқа ноқонуний тузум билан алмаштиришга уриниш нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларга зид ҳаракат сифатида қораланади, балки шу қонуний тузумни ёқлаб, эркин яшаётган мамлакат аҳолисининг нафратига ҳам сабаб бўлади. Зотан, давлатнинг амалдаги қонуний тузуми халқимизнинг эркин ҳаёт тарзини таъминлайди, фуқароларни ўз қаноти остида ҳимоя қилади.

Ўйлаб қоласан, ҳаёт синовларидан, халқ хоҳиш-иродаси чиғириғидан, йиллар давомида миллионлар сўровидан ўтган жамият ва давлатчиликнинг минглаб йиллик тажрибаси ва қонунлар устиворлиги асосида, қолаверса, деярли бутун дунё ҳамжамиятининг қонуний ҳаёт тарзига мос равишда шаклланган тузумни беш-олтита жисмонан соғлом, аммо ўй-фикр ноқислигига мубтало бўлганлар истаги билан ўзгартириш қайси мантиққа тўғри келади? Қиёсланг, миллионлаб аҳлан комиллар хоҳиши қаёқда-ю, беш-олтита фикри тақчилларнинг хомхаёллари қаёқда? Ушбу мақолада уларнинг қилмишлари ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, бу фикран тақчиллик уларнинг кейинги пайтдаги машғулликлари, нималарни ўқиб, кимларга қулоқ тутганликлари оқибати эканлигини сезиб оласиз, деган умиддамиз.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг очиқ суд мажлисида судланувчилар Ўғилой Мирзаева ва Раъно Аҳрорхўжаевалар содир этган жиноят иши кўрилар экан, суд залида бўлганлар жиноятчилар ва уларнинг шериклари қилмишларидан таажжубга тушишди, бу ҳаммаслакларнинг давлат, миллионлар тақдири учун қандай асос билан ўзларига масъулият олганига жавоб излашди.

Судланувчилар ўз жиноий шериклари — Г.Тоғаева, А.Турдихўжаева, Д.Тўхтахўжаева, М.Валиқулова, Ў.Валиқулова, А.Нишонбоева, Ш.Умирова, Ш.Турсунбоева, О.Ғиёсова каби яна бир нечта уларга эргашган нодонлар билан ўзаро тил бириктириб ҳаракат қилишган ва бошқаларни ҳам бу жиноий ҳаракатга қўшилишга даъват этишган.

Янгийўл шаҳрида яшовчи Ўғилой Мирзаева 40 ёшдан ошган, тўрт нафар фарзанднинг онаси. Чинозлик Раъно Аҳрорхўжаева ҳам ҳаёт сабоғидан ҳали тўла баҳраманд бўлмадим, дейдиган ёшда эмас — ёши 37 да, уч нафар фарзанди бор, ўрта махсус маълумотга эга.

Бу кимсалар Ўзбекистон Республикасида (бошқа кўплаб мамлакатларда ҳам) фаолияти тақиқланган «Ҳизбут-таҳрир» деган ташкилотга аъзо бўлишган. Мақсадларини эшитиб эса ёқа ушлайсиз — кам эмас, кўп эмас, мамлакатимиздаги давлат тузумини ўзгартириш. Улар бу йўлдаги хатти-ҳаракатларини сир тутишга ўзларича қасамёд ҳам қиладилар. Ўз заҳарланган ақидалари билан бузғунчилик фаолиятларида асқотадиган биринчи чора сифатида қонуний тузумни қоралаш, уни одамлар тасаввурида ёмон кўрсатишни танлайдилар ва шундай тарғибот ишини олиб борадилар.

Қаранг, Ўзбекистондаги мавжуд қонунлар, демократик ўзгаришлар, янгиланишлар, ислоҳотлар инсонлар томонидан ўйлаб топилган «куфр» нарсалар эмиш-у, ўзларининг ўн қадам нарини кўришга ярамайдиган ҳаммаслакларидан орттирган «билим»лари, «халқа»лар тузиши, «мушриф»лари томонидан «халқа»ларда дарс берилиши, қўлларидаги диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ва ақидапарастлик руҳида битилган китоб ва варақаларнинг мазмуни ҳаётий экан. Агарки, гап инсон ўйлаб чиққан қоидалар ҳақида кетар экан, айнан мана шулар эмасми, илми чала, ақли ноқис инсонлар томонидан ўйлаб чиқилган «қоида»лар?!

Суриштирув ишлари ва гувоҳлар тасдиқлашича, Ў.Мирзаева фаолияти тақиқланган ташкилотда «Нақиба» лавозимида 2003 йилдан 2005 йилгача фаолият олиб борган. (Ҳа, улар «Мушрифа», «Нақиба», «Масъула» каби лавозимларда фаолият юритишган.)

Раъно Аҳрорхўжаева эса 2000 йилдан худди шу каби фаолият билан машғул бўлган. У ҳам ўзини Чиноз тумани бўйича «Ҳизбут-таҳрир»нинг «масъула»си ҳисоблаб, юқорида номлари келтирилганлар ҳамда яна бошқа ҳаммаслаклар билан мамлакат тузумини ўзгартиришдек пуч ғояларни тарғиб қилиб, одамлар фикрини чалғитиб келганлар. Фақатгина 2003 йил бошида турмуш ўртоғи қамоқдан чиқиб келгач, унинг тазйиқи туфайли бу фаолиятни давом эттириш имкони бўлмагач, ўз вазифасини Анипа Турдихўжаевага топширган. Раъно Аҳрорхўжаевага бу борада қамоқдан чиқиб келган эрининг тазйиқлари халақит берибди. Минг афсуски, Ў.Мирзаевадек бир нодонни бу йўлдан қайтариш учун турмуш ўртоғи Абдувосиқ Мирзаев таъсир кўрсата олмабди. Йўқ, «таъсир кўрсата олмабди» деганимиз хато бўлди. Тўғрироғи, у хотинига ижобий таъсир ўтказиш у ёқда турсин, айнан шу борада ўз салбий таъсирини бемалол ўтказиб юрганди. Янаям тўғрироғи, ушбу жиноий ишга хотинини бошлаган унинг ўзи. Шу ўринда бир ҳолатни аниқлаштириб кетайлик: бу жиноят йўлига кирганлар ўз ҳаракатларини дин билан ниқоблайдилар. Ахир дин таълимида эркакларга ўз хотинларини барча эгри йўллардан тийиш чораларини кўриб, ҳаёт кечириш мажбурияти юкланган-ку. Унда нега Абдувосиқ Мирзаев ўз жуфти ҳалолини қонуний давлат тузумига қарши боришга қасамёд қилдиртирди экан? Хотинини шу даражада «фаол» жиноий шерикка айлантирган эдики, ҳатто у қамалиб кетгач ҳам Ў.Мирзаева эрининг қамоқдош дўстлари билан ҳамкорликни давом эттирди. Аслида динни ниқоб қилиб олган бу гуруҳнинг қайси бир ҳаракати диний аҳкомлар сирасига киради? Аксинча, бу ҳаракатларнинг деярли барчаси қоралланган эмасми шариатда?! Аслида улар ҳар қандай жирканч манфаатдорликдан тийила олмайдиганлар тилида айтиладиган «Шариатда шарм йўқ» деган «қоида»га амал қилишган. Жиноий гуруҳнинг Р.Аҳрорхўжаевани унинг турмуш ўртоғи қамалиб кетгач, «шу йўл орқали турмуш ўртоғингни жазодан озод қилиб оласан» деган сафсата билан ўз жиноий гуруҳларига киритиб олгани ҳам шундан бир далолатдир. Аслида эса Раъно жазодан имкон қадар тезроқ қутулишнинг ҳақиқий йўли бу ишлардан воз кечиб, тўғри йўлга кириш ва давлатимизнинг, юрт раҳбарининг кечиримлилигидан умид қилиш эканини эри ва ўзига нисбатан ана шундай ҳолат қўлланганидан сўнг билди.

Афсуски, қолган жиноятчиларнинг ақлу шуури бу ҳақиқатни кечикиб бўлсада англашга ожизлик қилди. Ҳеч бир асосга — на дунёвий, на диний таълимотга мос бўлмаган «билим»лари ва сохта даъватлар доирасидан чиқиб кета олишмади. Яна афсусли томони шуки, бу жиноятга қўл урган, яъни жиноий фаолиятда бўлганлар орасида эр-хотин, опа-сингил, ака-ука, ака-сингиллар бор. Аёлларнинг аксарияти ўз турмуш ўртоқлари, ака ё укалари шундай жиноят учун қамалганидан сўнг ҳам тўғри хулоса чиқара олмаганлар. Шу ўринда бир ҳолатни эътироф этиш керак. Овсинлар бўлмиш Валиқуловаларни жиноий бўлишга даъват этиб келган Г.Тоғаевани бу хонадоннинг онахони бир неча бор уйидан қувиб солган. Аммо биргина онахоннинг дўқ-пўписаси уюшган тўданинг хатти-ҳаракатига бас кела олармиди? Бас кела оладиган куч, яъни қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй, фаоллар, халқона иборада айтганда яхшилар қаерда эди? Нега шундай савол туғиляпти? Ахир бу жиноятга қўл урганлар оиласидан кимдир бунгача шундай жиноятчи учун қамалиб чиққан ёки қамоқда ўтирган эди-ку! Шунинг ўзи бу ҳақда кўпчилик бўлиб ўйлашга, бу оила аъзоларидан огоҳ бўлишга даъват этмайдими? Бунинг устига, аёллар бу ишларни ўз уйларида ўтириб бажаришмаган. Улар уйма-уй, бозорма-бозор, маҳаллама-маҳалла, шаҳарма-шаҳар кезишиб амалга оширишган бу ҳаракатларини, яъни китоблар, варақалар тарқатишган, «халқа»лар тузиб, бир-бирига сабоқ берган, қасамёд қилишган, даъватлар этишган, ҳатто аъзолик бадаллари ҳам тўлаб туришган. Наҳотки, бу ҳаракатлар кўз кўрмайдиган, гумон уйғотмайдиган ҳолат бўлса-ю, ўша биз назарда тутган огоҳ, ҳушёр туриши лозим бўлган кишилар эътиборига, назарига тушмаган бўлса?

Тўғри, бу каби қалтис жиноий йўлни танлаганлар жазосиз қолмаяпти. Лекин бу асосий мақсад эмас-да. Мақсад юртдошларимизни инсоннинг ақлига сиғмайдиган бундай ғоялардан халос этиш. Шундай экан, бу борада жиноятга муносиб жазо белгиловчи суд мажлисигача бўлган ишларимиз самарасига эътибор қаратишимиз зарурлиги аён бўлиб турибди.

Фозил ТЎРАЕВ

Ҳаёт завқи

Андижон вилояти

Қорасув шаҳрининг «Сайилгоҳ» оромгоҳи икки кун давомида кулгу шинавандалари билан гавжум бўлди. Аскиячи ва қизиқчиларнинг анъанавий республика кўрик-фестивали Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган меҳмонлар иштирокидаги қизғин байрамга айланиб кетди. Бу галги фестивал кулгу дарғалари — ўзбек аския санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган устозлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулҳаймақсум Қозоқов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасанбой Султоновлар хотирасига бағишланди.

БИР ЁНДА АСКИЯ, БИР ЁНДА ЎЛАН

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази, «Маҳалла», «Олтин мерос» жамғармалари вилоят бўлимлари, «Камолот» ЁИҲ, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда Қорасув шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда, айниқса, санъатга ихлосманд ёшларнинг иштироки сезиларли бўлди.

— Ушбу тадбирнинг шаҳримизда еттинчи маротаба ўтказилаётгани бежиз эмас, сабаби аския санъатига тамал тошини қўйган устозлар яшаб ижод қилган маскан бу, — дейди Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг масъул ходими, кўрик-фестивал ҳакамлар ҳайъати аъзоси Ўткир Тоҳиров. — Бизни хурсанд қилгани шу бўлдики, Бухородан келган ёшлар аския жанрида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Наманганлик ўн ёшли аскиячининг чиқиши эса барчага завқ улашди.

Фестивалда ажойиб аския пайровлари, қизиқчиларнинг чиқишлари, айтишув ва ўланлар, миниатюралар ажиб иштиёқ ила ижро этилди. Тадбирнинг якуний натижаларига кўра, қорасувлик аскиячилар ва фарғоналик қизиқчилар биринчи ўринга сазовор бўлишди. Голиблар ва энг фаол иштирокчилар махсус дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Аждодлар мероси

ҲУВАЙДОИ ЧИМЁНИЙ — КОМИЛЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

Мустақиллик шарофати билан номи тиклинган, асарлари қадр топган буюк аллома аждодларимиздан бири Ҳўжаназар Ҳувайдодир. Унинг ижоди халқимиз маънавиятининг ҳаётбахш сарчашмаларидан бири саналади. XVIII аср ўзбек мумтоз адабиёти мутасаввуф шоирлари силсиласида йирик шеърий асарлари ва достонлари билан танилган ҳассос шоир, достонавис ва мутасаввуф Ҳувайдонинг ўрни беқиёсдир.

Тасаввуф адабиёти ва фалсафасининг йирик намояндаси сифатида танилган Ҳувайдо Фарғона вилоятининг Чимён қишлоғида яшаб, ижод қилган. Унинг отаси Ғойибназар Эрназар Чимёнда донг таратган мактабдор бўлиб, ҳурматга лойиқ инсон эди. У ўз даврининг мутасаввуфларидан бўлган қашқадарёлик Офоқхўжа эшоннинг муриди бўлиб, пирига ихлос ва ҳурматининг ифодаси сифатида ўғлига Ҳўжаназар исмини қўйган. Ҳувайдо шоирнинг адабий тахаллуси бўлиб, "ҳувайдо" сўзи "аниқ", "равшан" деган маънони англатади.

Бўлажак шоир бошланғич сабоқни Чимёндаги мактабда олади. Сўнг билимга чанқоқ ўспирин Қўқон мадрасасида таҳсил кўради. У мадрасада мумтоз адабиёт, тасаввуф ва фиқҳ илмини ўрганади.

Ҳувайдо Аҳмад Яссавий, Боборахим Машраб ва Сўфи Оллоёр асарларидан таъсирланиб, ижод қилган. У ўз шеърларида илоҳий ишқни, ҳалоллик, ростгўйлик, инсонпарварлик, сахийлик каби фазилатларни тараннум этади. Шунингдек, асарлари орқали инсоннинг маънавий баркамоллика эришишида диний, дунёвий билимлар, мутолаанинг катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлайди. Ҳувайдонинг аксарият асарларида инсон хулқатворидаги имонсизлик, ёлғончилик, фирибгарлик, хасислик каби иллатлар қаттиқ қораланади, хусусан, уларда ҳаётда учрайдиган барча қарама-қаршиликлар ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий жиҳатдан акс эттирилган.

Ҳувайдонинг "Роҳати дил" ахлоқий манзумаси панднома йўлида ёзилган ажойиб асардир. Ҳувайдо бу асари билан достончилик анъаналарини давом эттирибгина қолмай, бир қадар ривожлантиришга ҳам эришган. Асарнинг асосий ғояси инсоннинг ботиний оламини шакллантиришга даъват, имон мустаҳкамлиги йўлидаги амаллар тарғиботидан иборат.

Ҳувайдо шеърларидаги ишқ тасаввуфий, Аллоҳга бўлган ишқдир. Бу ишқ шоир асарларида май ва соқий рамзи орқали ифодаланган.

Шоир ғазаллари бадиий жиҳатдан ғоят мукаммал бўлиб, у сўз ўйини, умуман, турли бадиий санъатларни моҳирона қўллайди, Қуръони карим ва ҳадислардан ўринли фойдаланади. Шоир диний-ахлоқий мавзуда "Иброҳим Адҳам" номли шеърий достон ҳам ёзгани маълум.

Ҳувайдо вафотидан сўнг шоирнинг набираси Сирожий, чеваралари Самарбону, Салоҳиддин Соҳиб, Ғарибийлар боболари изидан бориб, ижод қилганлар. Ҳувайдонинг адабий мероси, асосан, Салоҳиддин Соҳиб томонидан тузилган "Китоби эшон Ҳувайдойи Чимёний" номли девонда тўпланган.

Бир сўз билан айтганда, бундан қарийб уч юз йил аввал яшаб, ижод этган аждодимиз Ҳувайдо қаламига мансуб асарлар мазмун-моҳияти, ғоясига кўра, айни кунда макон ва шахс, шахснинг маънавий комиллиги борасидаги замондошларимизнинг фикр-мулоҳазаларига, бу борада бугунги кун талабига ҳамоҳангдир.

Айни кунда эса Ҳувайдо ҳоки қўйилган Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида ўн гектар майдондан иборат меъморий мажмуа барпо этилиб, бу кўркам маскан нафақат чимёнликлар, балки фарғоналиклар, шоир мухлислари учун қадрли қадамжога айланди.

Ҳувайдо ёдгорлик мажмуининг бунёд этилишида қишлоқ аҳли, бу ерда фаолият кўрсатаётган «Чимён форум» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ва «Фарғонаазот» акциядорлик жамияти, қолаверса, тадбиркорлар ҳиссаси катта бўлди. Ушбу зиёратгоҳда Ҳувайдо музейи ҳам ташкил этилган. Музейдан шоир асарлари, унинг ўзига ва авлодларига тегишли бўлган буюмлар, шоир устозларининг қўлёзмалари, у ҳақида ёзилган мақолалар ва бошқа экспонатлар ўрин олган.

Алижон МИРЗАБОЕВ

СУРАТЛАРДА: *Ҳувайдо зиёратгоҳи ва музейидан лавҳалар.*
Муқимжон ҚОДИРОВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шахсий ҳаётингизда муҳим ўзгариш рўй бериши кутилмоқда. Бунга ўзингизни руҳан тайёрлаб боринг. Акс ҳолда, саросимага тушиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

СИГИР(22.04-20.05)
Мазкур бурж вакилларига молиявий аҳволини тиклаб олиш учун қулай имконият юзага келади. Ундан унумли фойдаланиш келгусидаги муваффақиятларга асос бўлиши ҳам мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Ҳафтанинг илк кунлари сиз учун омадсиз кечса-да, бундан хавотирга тушишга шошилманг. Ҳафта охиридаги кутилмаган янгилик сизга оламолам қувонч бахш этади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Анчадан буён дилингизни ғаш қилиб юрган муаммо яхши инсонларнинг ёрдами билан ечим топади. Ўзингизни янги режаларни амалга ошириш учун тайёрлаб боринг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ниҳоят, узоқ пайтдан буён муштоқ кутаётган инсонингиз билан кўришиш шарафига муяссар бўласиз. Кўтаринки кайфият сизни ҳафта сўнгигача тарк этмайди.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Меҳнатингиз ва тиришқоқлигингиз рахбарингиз томонидан эътироф этилади. Хотиржамликка берилмай, белни маҳкамроқ боғлаб, ишга киришинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Ишонган кишиларингизнинг хиёнати сизга оғир ботади. Тушкунликка тушмай, олға интилинг. Хушмуомалалик билан чигал вазиятлардан осонгина чиқиб кетишингиз мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Табиатингиздаги кибр ва манманлик айрим кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Уларга барҳам бермоқчи бўлсангиз, ўзингизни тафтиш қилишдан ва феълингизни ўзгартиришдан уялманг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Кутилмаганда қўшимча даромадга эга бўласиз. Демакки, сизда узоқ пайтдан буён орзу қилиб юрган нарсангизни харид қилиш имконияти пайдо бўлади. Фурсатни бой бермаганингиз маъқул.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Келаётган ҳафтада жисмоний ва руҳий толиқиш сезасиз. Яхшиси, режалаштириб қўйган ишларингизни бироз кейинга суриб, яқинларингиз билан табиат қўйнида мириқиб дам олинг.

КОВҒА (20.01-18.02)
Ушбу бурж вакиллари учун кутилаётган ҳафта нисбатан осойишта кечади. Дўстлар ва яқинлар даврасида бўлишингиз, меҳмонга боришингиз ёки меҳмон чақиришингиз мумкин.

БАЛИК (19.02-20.03)
Сабр-тоқат ва салоҳиятингиз туфайли атрофдагиларнинг эътиборини қозонасиз. Шу фазилатларингизда собит қолинг. Чунки сабрнинг таги сариқ олтин, деб бежиз айтишмайди.

«Ўзбекистон — умумий уйимиз»

Наманган вилояти

Маълумки, мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элатлар аҳил-тотув яшаб келмоқда.

Сабантўй — катта сайил

Пойтахтнинг Бобур номидаги истироҳат боғида анъанавий катта сайил — Сабантўй ўтказилди. Бу тадбирда беш мингдан зиёд киши иштирок этди. Сабантўйдаги турли мусобақа ва беллашувлар, фольклор дасталари ва ёш санъаткорлар ижросидаги концерт дастури тадбирда иштирок этган жамоатчилик вакиллари, кўпмиллатли пойтахт аҳли ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Тошкент шаҳри

Бирдамлик юртдошларимизга хос

Наманган вилоятида 89 миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда яшайди. Яқинда вилоят марказида республика Байналмилал маданият маркази, вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ҳамда Наманган Давлат университети ҳамкорлигида «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ва «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида «Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона!» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган қирғиз, корейс, тожик миллий маданият марказлари, илғор талаба ёшлар қатнашди. Анжуманда юртимизда миллатидан қатъи назар барчанинг тинч, мусаффо осмон остида умумхалқ фаровонлиги йўлида эркин яшаши, ўқиши, меҳнат қилиши ва бошқа ижтимоий-сиёсий ҳақ-ҳуқуқлари кафолатлангани эътироф этилди.

Бундан ташқари, анжуман иштирокчилари турли миллатларнинг миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари билан танишиб, миллий маданият марказлари бадиий жамоалари, вилоят санъат усталари ҳамда ёш истеъдодларнинг концерт дастурларидан баҳраманд бўлишди.

СУРАТЛАРДА: *тадбирлардан лавҳалар.*
Р.ГАЛИЕВ ва Ҳотам МАМАДАЛИЕВ *(ЎзА)* **олган суратлар.**

Биз билган ва билмаган дунё

ОЛТИН АРАВАЧА

ЛОНДОНдаги марказий дўконлардан бирида олти минг фунт стерлингли болалар аравачаси сотувга қўйилиб, тез орада ўз эгасини топди.

Табиийки, болалар аравачасининг бундай қиммат нархга сотилиши кўпчиликни ажаблантиради. Бунинг боиси шундаки, аравачанинг барча қисмларига, ҳатто ғилдиракларига ҳам олтин суви юритилган. Унинг чармдан ясалган устки қисми эса оқсичқоннинг мўйнаси билан қопланган.

«Сильвер Кросс» деб номланган ушбу аравача мослаштирилган стереотизими, атлас матоли жилди ва болаларни ухлатувчи қўшиқлар жаранг сочадиган мусиқали қутичаси борлиги билан ҳам ўзига хосдир. Маълумотларга кўра, қимматбаҳо аравачани Жанубий Африка республикасида яшовчи тадбиркор сотиб олган.

АЛАНГА ИЧИДАГИ ТЎЙ

АМЕРИКАлик ўт ўчирувчи Ральф Дилл ҳатто ўзининг никоҳ тўйини ҳам аланга ичида нишонлади.

Икки ёшнинг никоҳ маросими ўт ёниб турган махсус қурилма ичида ўтказилгани боис, келин-куёв иссиқлик ўтказмайдиган матодан кийим, бошларига эса ўт ўчирувчиларнинг дубулғасини кийиб олишди. Антиқа никоҳ маросими учун келинчакнинг фатаси асбестдан ясалди. Махсус скафандр кийиб олган руҳоний никоҳ ўқир экан, гувоҳлар ўт ўчирувчи мосламалардан маросим сабабчилари ва меҳмонларга қарата сув сепишди.

Олов қуршовидан чиқиб олгач, Дилл тўйни нега бу тарзда ўтказганини шундай изоҳлади: «Маълумки, ўт ўчирувчиларнинг иши жуда мураккаб ва хавфли. Танлаган касбимнинг ўзига хос жиҳатларини турмуш ўртоғим ҳам билиб олиши, қолаверса, ўзи ҳам ҳис қилиши учун тўйимизни мана шу тарзда ўтказишга қарор қилдим».

"Замонавий" ҳангомалар

Шаҳарнинг гўзал хиёбонларидан бири. Ёш йигит билан қиз учрашувга чиққан. Иккисининг янгаси ёшларнинг «қарори» қандай бўлишини кутиб, соя-салқинда тоқатсизланиб ўтиришибди. Йигит билан қиз хиёбондаги бўш ўриндиқлардан бирида ўтириб, суҳбатлашишмоқда. Уларнинг суҳбати одатда бундай танишувлар учун «белгиланган» муддатдан анча чўзилди — икки ёш нақ икки соат суҳбат қуришди. Янгаларнинг тоқати тоқ бўлаёзганди ҳамки, ёшлар хайрлашишди. Қизнинг янгаси чимирилганча, уни сўроққа тутди:

«ТАРҒИБОТЧИ» ҚЎЁВ

— Биринчи учрашувдаёқ бир-бирингиздан ажралгингиз келмай қолди-я. Икки соат суҳбатлашганингизга қараганда, юлдузингиз юлдузингизга тўғри келганга ўхшайди. Тўйни бошлаб юборсак ҳам бўлади энди. Хўш, нима дейсиз?

— Тўй ҳақида бир нарса дея олмайман. Ҳозирча билганим — у йигит қайсидир газетада ишлар экан. Икки соат давомида ўша газетанинг обунаси пасайиб, тиражи камайиб кетгани ҳақида тинмай гапирди. Ундан қутулишнинг бошқа иложини тополмай, ҳозироқ ўша газетага олти ой учун обуна бўлишга ваъда бериб, базўр қутулдим-да, янгажон!..

ШОИРНИНГ «ТАЪБИ»

Шеърият мухлиси шоир дўстига деди:
— Биронта шеър ўқиб берсанг-чи!
— Ўз шеърларимданми, бошқаларникиданми?
— Ўзингникидан.
— Эскисиданми, янгисиданми?
— Янгисидан.
— Қайси тилда бўлсин?
— Ўз тилимизда.
— Севги ҳақида бўлсинми, Ватан ҳақида?
— Ватан ҳақида.
— Замонавий бўлсинми, тарихий?
— Замонавий.
— Газетада чиққаниданми, чиқмаганиданми?
— Кўя қол, дўстим. Бугунга шуниси ҳам етарли.

* * *

ТАҲҚИР ВА МАҲТИҚ

Ёш ижодкорлардан бири ўз асари ҳақида танқидчининг фикрини сўради:
— Қалай, асарим сизга маъқул бўлдими?
— Асарингизнинг ярми яхши, ярми ўртача. Лекин яхши қисми ўртачароқ ёзилган, ўртачароқ қисмини эса яхши деса ҳам бўлаверади...

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ тайёрлади.

ДОНОЛАРНИНГ ДУРДОНА ФИКРЛАРИ

У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнгилсиздир, ёлғон бўлса яна-да нафратлидир.

Алишер НАВОИЙ

Маккор одамлар илмни назар-писанд этмайдилар. Соддадил одамлар ундан ҳайратга тушадилар. Доноларэса илмдан фойдалана биладилар.

Фрэнсис БЭКОН

Жаҳолат аҳли бирла қурма суҳбат,
Етар ҳар дам бу ишдан жонга заҳмат.

Носир ХИСРАВ

Чеҳрамизнинг ранги ёлғон сўзлаётганимизни фош этади. Аммо у доим ҳам ёлғоннинг исботи бўлиб хизмат қилавермайди. Кўпинча бизни айблаётган кимсанинг андишасизлигидан қизарамиз.

Иммануил КАНТ

ООО «SANTEXMONTAJQURILISH-SERVIS» расп. на посёлке Янгибазар Ташкентской области (ИНН 205483253) ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 185-37-83

Утерянную круглую печать выданный ЧП «AL-MUSAVIR-SAVDO» Юнусабадского района г.Ташкента считать недействительным.

ЧП «XURSHIDA BONU» сообщает, что кадастр здания по адресу Сергели-2 за № 6-67/02 утерян. Данный кадастр считать недействительным.

«Маҳалла» жамғармаси Учтепа тумани бўлинмаси тумандаги Ўткир маҳалласи фуқаролар йиғини раиси **Лутфулла БАЙДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинлари ва оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

«Маҳалла» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими жамғарманинг Қумқўрғон тумани бўлинмаси раиси **Ибрагим АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

«Маҳалла» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими бўлимнинг бош мутахассиси Лутфия Сафарованга онаси **Иманноз ая ЗИЯЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Ҳамза Абдуллаев**
Мусаҳҳиҳ: **Шаҳноза Эргашева**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Котибият — 236-55-69
Хатлар бўлими: 236-57-62

2008 йил 18 июнь
25 (627)

17190 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 21.45
1 2 3 4 6